

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2012 йил 14 декабрь • № 50 (915)

2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ



БОШ МАҚСАДИМИЗ — ОИЛАЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ТУРМУШИМИЗ ОБОДЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун мамлакатимизда ҳар йили катта тантана билан нишонланади. Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, ҳаёти фаровонлиги таъминланиши, халқимизнинг азалий эзгу орзу-умидлари рўёбга чиқишига дахлдор бўлгани учун бу байрам алоҳида эҳтиром билан қадрланади. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни янада юксалтириш мақсадида кейинги йилга қандай ном бериш ҳам Конституция кун арафасида эълон қилиниши боис биз бу байрамни катта ҳаяжон билан кутамиз.

Мамлакатимиз Конституциясининг йигирма йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз 2013 йилни – Обод турмуш йили деб эълон қилганликлари гулдурас қарсақлар билан қўллаб-қувватланди. Президентимиз томонидан бу борада белгиланган устувор вазифалар бажарилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам катта масъулиятни ҳис этган ҳолда 2013 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади дея фикр билдиришмоқда.

Зухра БОТИРОВА,
Қонунчилик палатаси
Меҳнат ва ижтимоий
масалалар
қўмитаси аъзоси:

– «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг йигирма йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар Конституциямиздаги тамойиллар ва қоидаларнинг амалдаги ифодаси экан-

лини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, биз танлаган йўл бугун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янги мазмун бағишлаётган ислохотлар Конституциямиз қоидаларига тўла мосдир.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигини кенг нишонладик. Халқимиз истиқлол йилларида эришаётган ютуқларда Президентимиз Ис-

лом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган тамойиллар мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бош Қомусимиз ўзининг мазмун-моҳияти билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик ва тотувликни таъминлаш каби юксак мақсадларга эришишнинг муҳим қафолатидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон қадрини улғайтириб, манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилаётгани билан алоҳида аҳамиятлидир.

Маълумки, оила – жамиятнинг асосий бўғини, келажак пойдеворини мустақамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга муҳим ижтимоий институтдир. Бош Қомусимизда оилага оид муҳим меъёрларнинг алоҳида боб билан мустақамлаб қўйилганлиги ҳам халқимизнинг оила қадриятларига бўлган юксак эътибори ва содиқлигидан далolat.

(Давоми 2-бетда).

Ўз ҳуқуқингизни биласизми?

ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИДА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунига асосан давлат даволаш-профилактика муассасалари томонидан аҳолига кафолатланган тиббий ва бошқа турдаги ёрдам бепул кўрсатилади. Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмидан ташқари хизматлар қўшимча ҳисобланади ва белгиланган тартибда пул тўлаш орқали амалга оширилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармони билан тасдиқланган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури”га асосан давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар доирасига қуйидагилар киради:

шошилич, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида ва бир қатор давлат даволаш-профилактика муассасаларида, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

аҳолини юқумли касалликларга қарши иммунизациялаш ва эмлаш;

ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар соғлиғига хавф туғдирувчи сил, хавфли ўсма, рухий, наркологик, эндокринологик ҳамда касб касалликларига дучор бўлган шахсларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш;

ган фуқаролар тоифаси ва касалликлар рўйхати тасдиқланди.

А. Стационар шароитда даволаш-профилактика муассасаларида (пуллик муассасалардан ташқари) даволанаётганда овқатланиш пули тўлашдан озод қилинган касалликлар рўйхатига қуйидагилар киради:

онкологик касалликлар; сил касаллиги; рухий касалликлар; гиёҳвандликка дучор бўлган беморлар – ихтисослашган шифоналарда;

мохов касаллиги; нурланиш касаллиги билан хасталанганлар; юқумли касалликлар; захм касаллиги; ОИВни юқтирганлар (ОИТС); шошилич тиббий ёрдам кўрсатилишида тасдиқланган стандартлар бўйича муҳлатларда реанимация ва интенсив даволанишни талаб этадиган беморлар;

камқонлик касаллигининг барча даражаларида ҳомиладор ва туққан аёллар; эндокринологик касалликлар.

Б. Стационар шароитда даволаш-профилактика муассасаларида (пуллик муассасалардан ташқари) даволанаётганда овқатланиш пули тўлашдан озод қилинган фуқаролар тоифасига қуйидагилар киради:

болаликдан ногиронлар; фирт етимлар; I ва II гуруҳ ногиронлари; 1941-1945 йиллар уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар;

ижтимоий таъминот муассасаларида ҳисобда турувчи якка-ёлғиз пенсионерлар; 1941-1945 йиллар меҳнат fronti қатнашчилари; Чернобыль АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган ногиронлар; байналминалчи жангчилар; болалар ва 17 ёшгача бўлган ўсмирлар;

(Давоми 3-бетда).

2013 йил – Обод турмуш йили

БОШ МАҚСАДИМИЗ – ОИЛАЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ, ТУРМУШИМИЗ ОБОДЛИГИ

Шу боис юртимизда оилани мустахамлаш, унинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида юртимизда оила институтининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Оила – жамият ва давлат ҳимоясида» экани ҳақидаги меъёр, Оила кодекси, 50 га яқин қонун ҳужжатлари, Президент фармони ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, оила билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи бошқа меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги 2013 йилни – Обод турмуш йили деб эълон қилди... Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардим, Юртбошимизнинг дастурий аҳамиятга эга маърузаси ҳамда келаётган йилнинг «Обод турмуш йили» деб номланиши барчамизга катта масъулият юқлатди. Зеро фуқаролик жамиятини шакллантиришдан кўзланган асосий мақсадимиз жамиятимизнинг барча фуқаролари учун муносиб, фаровон ҳаётни, ижтимоий адолатга асосланган турмушни, инсон омилига эътибор юксак бўлган давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишидир.

Илҳум ЗОКИРОВ,
член Комитета по
бюджету и экономическим
реформам

Закондательной палаты:
– Одна из знаменательных дат, которая ежегодно отмечается в нашем государстве и обществе, – это день принятия Конституции Республики Узбекистан, двадцатилетие которой в этом году мы отмечаем по-особенному торжественно.

Следует отметить, что основные принципы, заложенные в Конституции, нашли свое реальное отражение в повседневной жизни людей, а происходящие масштабные экономические и демократические реформы обеспечили не только развитие современного Узбекистана как государства, но и повысили уровень благосостояния всех граждан и коренным образом изменили общественное сознание.

В настоящее время повысилась не только правовая и политическая культура в обществе, особенно среди молодежи, но и сформировалась потребность в получении правовых конституционных знаний. Основные положения правовых принципов способствовали принятию важных законов, направленных на усиление роли политических партий и формирование институтов гражданского общества.

В Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране,

(Давоми. Боши 1-бетда).

сформулированной 12 ноября 2010 года главой нашего государства, основные статьи Конституции получили свое всестороннее обоснование в шести основных направлениях, создавшие мощный фундамент дальнейшего развития нашего государства.

Как известно, Конституция Республики Узбекистан по признанию ведущих международных экспертов является уникальным правовым документом, в котором отчетливо проявляются принципы историзма и преемственности, а также опыт строительства демократического правового государства.

Сегодня права, закрепленные Конституцией для всех граждан, выработали в обществе необходимость проявления гражданской ответственности, политической зрелости и социальной активности. Значимые изменения, происходящие во всех сферах жизни нашего общества, стали важнейшим фактором дальнейшего развития национального прогресса и модернизации страны.

Новые горизонты определены главой нашего государства на торжественном собрании, посвященном 20-летию Конституции Республики Узбекистан. Президентом страны 2013 год объявлен Годом благополучия и процветания.

Это ставит перед парламентариями, ответственными перед своими избирателями за судьбу реформ, проводимых под руководством нашего Президента, важные и значимые задачи. Всем нам предстоит активно проявить себя в решении столь важных задач, обозначенных в программе нового года.

Игорь КОРЕНЕВ,
член Комитета по
вопросам обороны и
безопасности

Закондательной палаты:

– Президент в своем докладе акцентировал особое внимание на значении Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, где на долгосрочную перспективу намечены задачи, выполнение которых позволит нашей стране занять достойное место в мировом сообществе, стать в один ряд с демократическими странами с развитой рыночной экономикой.

Безусловно, на этом пути существуют угрозы, которые исходят извне и имеют глобальный характер, охватывая как политический, так и экономический аспект.

С первых лет независимого развития был выдвинут и реализован ряд значительных внешнеполитических инициатив, направленных на решение актуальных проблем современного развития региона Центральной Азии и укрепление региональной и глобальной безопасности. Ключевые инициативы Узбекистана в международном сообществе показали общность приоритетов республики и интересов ее партнеров во многих проблемах международной безопасности, включая урегулирование локальных и региональных конфликтов, противо-

действие распространению оружия массового уничтожения, борьбу с международным терроризмом и наркобизнесом, решение экологических и других проблем глобального характера. У нас всегда было ясное понимание того, что от формирования прагматичной внешнеполитической стратегии страны во многом зависит дальнейшая судьба ее социально-экономических реформ, а также укрепление позиций Узбекистана в развитии равноправных и взаимовыгодных отношений с другими государствами. А основные цели, стратегические и текущие задачи внешней политики государства всегда определяются прежде всего национальными интересами.

Важно отметить, что благодаря инициативам Президента наступающий год объявлен Годом благополучия и процветания, что, несомненно, актуально в столь нестабильном и хрупком мире. Ибо, как подчеркивает руководитель нашей страны, «осуществление активной многосторонней внешней политики, отвечающей национальным интересам, – необходимое условие и важнейшее средство укрепления суверенитета нашего государства, преодоления экономических трудностей и улучшения жизни народа».

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Қонунчилик палатаси Фан,
таълим, маданият ва
спорт масалалари
қўмитаси аъзоси:

– Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар инсон ва унинг манфаатларига қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Тинч-осуда юртимиздаги бу янгиликни ўзгаришлар сизу бизнинг, фарзандларимизнинг эртаси бугундан ҳам нурафшон бўлишига хизмат қилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз учун чексиз имкониятлар эшиги очилди. Ушбу неъматнинг элимизга берган бахт-саодатининг ҳад-ҳудуди чексиз. Шу маънода кириб келаётган йил Президентимиз томонидан «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши бу борада амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлди.

Халқимиз бунёдкорлик иштиёқи билан яшайди, юрт тараққитига, эл фаровонлигига қаратилган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлайди. Бундан роппа-роса бир йил олдин Мустақам оила йилини жуда кўтаринки руҳ, хуш кайфият билан қарши олган эдик. Бугун эса 2013 йил – Обод турмуш йили оstonасида турибмиз.

Айтиш керакки, муҳтарам Президентимизнинг таклифи билан ҳар бир йилнинг алоҳида номланиши ва шу ном билан Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳар бир юртдошимизни хайрли мақсадлар, юксак марралар сари руҳлантираётганлиги, шубҳасиз.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, жорий йил

ҳам биз учун омадли келмоқда. Буни эришаётган ютуқларимиз исботлаб турибди. Бундай ютуқларни яна кўплаб мисоллар асосида келтиришимиз мумкин. Аммо бир нарса аниқки, истиқлол йилларида мамлакатимизда суверен давлат ва адолатли жамиятни шакллантириш, инсон ҳуқуқлари, фуқаролар тинчлиги ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш, иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда Асосий Қонунимиз мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Клара ДЖУМАМУРАТОВА,
член Комитета по
вопросам
промышленности,
строительства и торговли
Закондательной палаты:

– В Узбекистане проводится колоссальная созидательная работа, которая направлена на достижение единой цели – дальнейшего развития экономики страны, что способствует росту благосостояния и качества жизни людей. Все это является крепкой базой для благоприятных мечтаний и устремлений, твердой веры в будущее.

Современные образовательно-воспитательные учреждения, молодежные центры служат формированию гармонично развитого молодого поколения. Дает высокие результаты осуществляемое по инициативе Президента страны строительство современного жилья в сельской местности.

Сегодня в стране созданы все условия, чтобы люди трудились в соответствии со своими способностям и желаниями, могли строить красивые дома. За короткое время была сформирована система развития села, строительства современных домов на основе типовых проектов, созданы организационно-правовые механизмы финансирования этой работы, выделения земельных массивов, обеспечения строительными материалами.

Все это, действительно, позволяет возводить качественное жилье, социально-культурные, медицинские и другие объекты на селе, обеспечивать их природным газом, питьевой водой, электроэнергией, улучшать состояние дорог, развивать транспортно-коммуникационные услуги, в целом совершенствовать инфраструктуру.

Сегодня сама жизнь подтверждает, насколько верным был избранный путь построения в стране правового демократического государства, свободного гражданского общества, политика коренного реформирования всех сфер нашей жизни, приоритет которой – интересы человека. Мы уверены, что претворение в жизнь положений новой программы по Году благополучия и процветания станет очередным шагом на этом пути.

Намоз ТОЛИПОВ.

**Соғлиқни сақлаш
вазирлигида**

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
мажлислар залида навбатдаги ҳайъат
йиғилиши бўлиб ўтди.

МУҲОКАМА ДОИРАСИДАГИ МАСАЛАЛАР

Йиғилишни олиб борган Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов тизимда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди. Кун тартибидан ўрин олган муҳим масалалар бўйича вазирликнинг мутасадди раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Биринчи масала юзасидан айтиш кунда дунё бўйича глобал муаммо бўлиб турган ОИТС касаллиги хусусида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиши сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида»ги тақдирномасини Бош прокуратура бошқармаси бошлиғи И. Жасимов ўқиб эшиттирди. Прокуратура органлари томонидан мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси борасида Республика ОИТСга қарши кураш маркази ҳамда унинг минтақавий марказлари олиб борилган ишларнинг тахлил натижалари кўриб чиқилди.

Маърузачилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1604-сонли Қарорига асосан дори воситалари муомаласи бўйича назорат ва рухсат этиш тизими такомиллаштириш, вазирликнинг назорат инспекцияси томонидан 2012 йилнинг ўн ойи давомида ўтказилган текширувлар натижаси, даволаш-профилактика муассасаларида пуллик хизмат кўрсатиш тартиб-қоидалари, тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш, ҚВПларнинг фаолияти ва қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат, фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги, тиббиёт муассасаларида 2012-2013 йилларда иттиҳоти мавсумининг боришига оид мавзулар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кўриб ўтилган масалалар бўйича ютуқлар билан бир қаторда хато ва камчиликлар алоҳида тилга олинди.

**2012 йилнинг 10 декабрь
куни вазирликнинг навбатдан
ташқари видеоселектори ўтказилди.**

Видеоселекторда соғлиқни сақлаш тизимидagi муҳим масалалар муҳокама қилинди. Кун тартибидан ишчи гуруҳлар томонидан тиббиёт муассасаларида миллий ғоя, маънавият ва маърифат ишлари, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик, озиқ-овқат захираларини назорат қилиш, ҚВПларда юритиладиган тиббий ҳужжатларни мувофиқлаштириш, мутахассисларни аттестациядан ўтказиш, «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмаларининг тайёргарлиги бўйича олиб борилган текширув натижалари тахлил қилинди.

Шу билан бирга тизимда учраётган муаммо ва хато-камчиликлар мавжудлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Тадбир давомида вазирликнинг мутасадди раҳбарлари (Қорақалпоғистон Республикаси ССВ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари) билан тўғридан-тўғри мулоқот бўлиб ўтди.

Кун тартибидан кўриб чиқилган масалалар юзасидан вазирликнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА.

Ўз ҳуқуқингизни биласизми?

**ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА
МУАССАСАЛАРИДА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР**

мудофаа ишлари бўйича бўлимлар йўлланмалари билан 18-27 ёшдаги ҳарбий хизматга чақирилувчилар.

Ушбу ҳуқуқат Қарори билан даволаш-профилактика муассасаларида овқатга пул тўлаш вақтинчалик тартиби қабул қилинган ва бемор ўз хоҳишига биноан овқатланиши учун (нонуштадан ташқари) пул тўлаши ёки овқатланишга пул тўлашдан қисман ёки бутунлай бош тортиши мумкин. Беморнинг овқатга пул тўлашдан бош тортиши даволаш муассасасига қабул қилмаслик учун асос бўлиши мумкин эмас.

В. Амбулатория шароитида даволанаётган беморларга қуйидаги касалликларда бепул дори-дармонлар берилди:

онкологик касалликлар;
сил касаллиги;
мохов касаллиги;
эндокринологик касалликлар;
руҳий касалликлар;
ОИВни юқтирганлар (ОИТС);
юрак клапани протези қўйилган ва аъзолари кўчирилган беморлар;

ўзгалар қаровига муҳтож якка-ёлғиз пенсионерлар;

1941-1945 йиллар меҳнат fronti қатнашчилари;

1941-1945 йиллар уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар;

Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган ногиронлар;

байналминалчи жангчилар;
ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

3. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда ҳозирги кунда замонавий тиббий-диагностик асбоб-ускуналар ва малакали мутахассислар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига барча тиббий хизматлар бепул кўрсатилмоқда.

4. Республикада ягона шошилич тиббий ёрдам тизими – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоятлардаги филиаллари ва шаҳар, туман марказий шифохоналари шошилич тиббий ёрдам бўлимларида аҳолига барча тиббий хизматлар бепул кўрсатилмоқда.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сонли Фармонида асосан Республика ихтисослаштирилган хирургия, урология, кўз микрохирургияси ва кардиология марказларида махсус йўлланмалар (ордерлар)га асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобига бепул даволанадиган қуйидаги имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхати белгиланди:

болалиқдан ногиронлар;
ғирт етимлар;
I ва II гуруҳ ногиронлари;
1941-1945 йиллар уруш но-

(Давоми. Боши 1-бетда).

гиронлари ва қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилганлар;

ёшга оид ишламайдиган пенсионерлар;

1941-1945 йиллар меҳнат fronti қатнашчилари;

Чернобиль АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган ногиронлар;

байналминалчи жангчилар;

фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларида моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оила аъзолари.

Ушбу имтиёзларга эга бўлган беморлар Марказларда даволанишлари учун махсус йўлланмалар (ордерлар) ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан берилди.

Имтиёзга эга бўлмаган фуқароларга ушбу Марказларда тиббий хизмат пуллик асосда кўрсатилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги 145-сонли “Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарорига асосан Республика фтизиатрия ва пульмонология ҳамда педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказларида барча тиббий хизматлар бепул кўрсатилади. Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология ҳамда терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказларида давлат бюджети маблағлари ҳисобига қуйидаги имтиёзли тоифадаги шахсларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилади:

15 ёшгача бўлган болалар;
ғирт етимлар,
I ва II гуруҳ ногиронлари;
болалиқдан ногиронлар;
1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар;

1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари;
ёшга кўра ишламаётган пенсионерлар;
Чернобиль АЭСдаги аварияни бартараф этишда қатнашган шахслардан ногиронлар;

байналминалчи жангчилар;
15-17 ёшдаги ўсмирларни ва чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича чақирик ёшидаги (18-27 яшар) шахсларни текшириш ва даволаш;

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан нафақа оладиган кам таъминланган оилалардаги шахслар.

Республика акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича патологияли ҳомиладор аёлларга, 15 ёшгача бўлган болаларга мавжуд ўринлар фонди ва марказ поликлиникаси даволаш кувватининг 20 фоизигача миқдоридан, Республика эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича эндокрин касалликлардан азоб чекадиган беморларга мавжуд ўринлар фонди ва марказ поликлиникаси даволаш кувватининг 30 фоизигача миқдоридан бепул хизмат кўрсатилади.

1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари;
ёшга кўра ишламаётган пенсионерлар;
Чернобиль АЭСдаги аварияни бартараф этишда қатнашган ногиронлар;
байналминалчи жангчилар;

15-17 ёшдаги ўсмирларни ва чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича чақирик ёшидаги (18-27 яшар) шахсларни текшириш ва даволаш;

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан нафақа оладиган кам таъминланган оилалардаги шахслар.

Республика акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича патологияли ҳомиладор аёлларга, 15 ёшгача бўлган болаларга мавжуд ўринлар фонди ва марказ поликлиникаси даволаш кувватининг 30 фоизигача миқдоридан бепул хизмат кўрсатилади.

1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари;
ёшга кўра ишламаётган пенсионерлар;
Чернобиль АЭСдаги аварияни бартараф этишда қатнашган ногиронлар;
байналминалчи жангчилар;

15-17 ёшдаги ўсмирларни ва чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича чақирик ёшидаги (18-27 яшар) шахсларни текшириш ва даволаш;

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан нафақа оладиган кам таъминланган оилалардаги шахслар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги “Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги 48-сонли Қарорига асосан вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида Давлат бюджет маблағлари ҳисобига бепул тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли шахслар рўйхати аниқланди:

ғирт етимлар,
I ва II гуруҳ ногиронлари;
болалиқдан ногиронлар;

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар;

1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат fronti қатнашчилари;

ёшга кўра ишламаётган пенсионерлар;

Чернобиль АЭСдаги аварияни бартараф этишда ногирон бўлган шахслар;

байналминалчи жангчилар;
фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан нафақа олувчи кам таъминланган оилалар аъзолари;

ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга чалинган шахслар;
чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича 15-17 ёшдаги ўсмирлар ва чақирик ёшидаги (18-27 яшар) шахслар.

8. Даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига кўрсатиладиган бепул тиббий хизматларни тартибга солиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 31 майдаги 161-сонли буйруғи билан республика аҳолисида кафолатланган бепул тиббий-санитария ёрдами кўрсатиши белгиланган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати тасдиқланди:

1. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш муассасалари:

қишлоқ ва маҳалла врачлик пунктлари;

қишлоқ участка шифохоналари;

туман ва шаҳар оилавий поликлиникалари;

туман ва шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникалари;

туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари (туман ва шаҳар марказий шифохоналарининг хўжалик ҳисобидаги соғломлаштириш, реабилитация бўлимларидан ташқари).

2. Шошилич ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари:

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий Маркази, унинг вилоятлардаги филиаллари;

тез тиббий ёрдам бўлимлари, станциялари ва шифохоналари.

3. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари:

болалик муассасалари (болалар уйлари, шифохоналари, сихатгоҳлари, поликлиникалари, марказлари, боғчалари ва бўлимлари);

туғруқ муассасалари (акушерлик комплекслари, туғруқ бўлимлари, перинатал марказлар – режали гинекологик бўлимлар ёки ўринлардан ташқари);

оналик ва болалик муассасалари (“Она ва бола”, Скрининг марказлари);

ўсмирлар марказлари.

4. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни даволаш муассасалари:

руҳий ва руҳий-асаб касалликларни даволаш муассасалари (диспансерлар, шифохоналар, марказлар ва сихатгоҳлар);

сил касалликларни даволаш муассасалари (клиникалар, диспансерлар, шифохоналар ва сихатгоҳлар);

онкологик касалликларни даволаш муассасалари (клиникалар, диспансерлар, марказлар ва шифохоналар);

тери-таносил касалликларни даволаш муассасалари (клиникалар, диспансерлар ва шифохоналар – тери касалликлари бўлимлари ёки ўринларидан ташқари);

эндокринологик касалликларни даволаш муассасалари (клиникалар, диспансерлар ва шифохоналар);

наркологик касалликларни даволаш муассасалари (диспансер ва шифохоналар);

касб касалликларни даволаш муассасалари (марказлар ва бўлимлар);

лепрозорийлар;

ОИТС марказлари.

5. Юқумли касалликлар муассасалари (клиникалар, шифохоналар, марказлар ва бўлимлар).

Ушбу даволаш-профилактика муассасаларида фақат қуйидаги ҳолларда пуллик тиббий хизмат кўрсатишга рухсат этилади (шошилич ва тез тиббий ёрдамдан ташқари):

норезидентларга;

бюджетдан молиялаштирилмайдиган тўлиқ хўжалик ҳисобидаги реабилитация ва соғломлаштириш бўлимларида;

корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан ходимлар диспансеризацияси, соғломлаштириш;

декретив контингентни тиббий кўриқдан ўтказиш;

ҳайдовчиларни автотранспорт воситаларини ҳайдашга яроқлилик бўйича тиббий кўриқдан ўтказиш.

9. Пуллик тиббий хизмат кўрсатишчи барча муассасалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки ҳудудий бошқармалар томонидан берилган махсус рухсатномаларга эга бўлиши лозим. Пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларда фуқаролар билан албатта шартнома тузилиши ва уларга пул тўланганлиги тўғрисида қвитанция берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” Қонунига асосан ҳамда аҳолини тегишли ахборот ва маълумот билан таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча тиббиёт муассасаларида ахборот бурчаклари ташкил этилиши ва пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тартиб ва қоидалари, кўрсатиладиган хизмат нархлари, вазирлик томонидан берилган махсус рухсатномалар нусхаси кўринарли жойларга осиб қўйилиши белгиланган.

Даволаш-профилактика муассасаларида кўрсатиладиган пуллик хизматларга калькуляциялар (нархлар) амалдаги тартиб-қоидаларга асосан тиббиёт

муассасалари томонидан ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва юқори турувчи соғлиқни сақлаш бошқарув идоралари билан келишилган амалга киритилади.

Даволаш-профилактика муассасаларида пуллик хизматларга нархларни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида соғлиқни сақлашнинг иккиламчи (виллоят кўп тармоқли марказлари, вилоят умумий профилдаги шифохоналари) ва учламчи (республика ихтисослашган марказлар, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш клиникалари) бўғинига тегишли бўлган тиббиёт муассасалари босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимида фаолият кўрсатаётганлиги муносабати билан ушбу муассасаларда аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

10. Даволаш-профилактика муассасаларида кўрсатиладиган сервис хизматларини ривожлантириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 14 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан тизимда қўшимча пуллик сервис хизматлари жорий этилди.

Жумладан алоҳида хўжалик ҳисобидаги бўлимларда пуллик даволаш; беморларнинг уйига бориб физиотерапевтик муолажалар ўтказиш; бемор яқинларини ҳимоя воситалари билан таъминлаш (бахила, ниқоб, халат); беморларни уйига, меҳмонхонага олиб бориб қўйиш; фитобар ташкил этиш; худудларни, бўш хоналарни ижарага бериш; муассаса ҳудудига ёндош жойда автотўхташ жойлари ташкил этиш; меҳмонхона хизмати ташкил этиш; қўшимча сервис хизмати ташкил этиш (телевизор, кондиционер, холодильник, телефон, интернет); буюртма асосида қўшимча овқат билан таъминлаш ва бошқалар.

Барча пуллик сервис хизмат турлари учун нархлар ҳаракатдаги қонун-қоидаларга биноан юқори соғлиқни сақлаш идоралари томонидан тасдиқланади, беморларга пуллик хизмат кўрсатишда қвитанция берилди. Таъкидлаш лозимки, пуллик сервис хизматлари беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари учун мажбурий бўлмай, балки уларнинг хоҳиш-истакларига биноан кўрсатилади.

Абдували АГЗАМОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш маркази бошлиғи.

Қарор ва ижро

ФАОЛИЯТНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШДА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4453-Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 1 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги 313-қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан фаолият турларини лицензиялаш ҳамда рухсатнома тавсифидаги ҳужжатларни бериш тўғрисидаги низомларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари томонидан фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсатнома тавсифидаги ҳужжатларни олишга тўланадиган йиғимлар миқдори камайтирилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган “Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги ҳамда “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низомларга кўра тиббий ва фармацевтика фаолиятини ли-

цензиялашда ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгоридан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, тиббий ёки фармацевтик фаолиятга олинган лицензияни қайта расмийлаштириш учун – энг кам ойлик иш ҳақининг икки ярим баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Низомларга киритилган ўзгартиришларга асосан 2013 йил 1 январдан бошлаб тиббий ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашда ариза кўриб чиқилганлиги учун талабгордан лицензияловчи идора ҳисобига ундириладиган йиғим миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараварини, лицензияни қайта расмийлаштириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараварини ташкил этади.

Низомларнинг тегишли банд-

ларига лицензия талабгорининг аризаси қайта кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмаслиги, лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмаслиги ҳамда лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисоблангани тўғрисидаги бандлар ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-қарори билан тасдиқланган “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги низомга киритилган ўзгартиришларга кўра эса илгари сертификатланмаган (синалмаган) маҳсусларни биологик фаол моддалар ёки озик-овқат хом ашёси ва озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларининг озик-овқат қўшимчалари қўллаш билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ташкил этишда ёки маҳсулотларни четдан келтиришда, бир турдаги маҳсулот бўйича лаборатория

синовларини ўтказиш харажатларини қоплаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ундириладиган миқдор 2013 йил 1 январдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваригача бўлган миқдорни ташкил этади. Маълумки, бугунги кунда ушбу тўлов энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваригача бўлган миқдоридаги тўловдан иборат. Ўз фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни синовдан ўтказишда, бир турдаги маҳсулот бўйича тўланадиган миқдор энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорга тенг келади.

Гигиеник сертификат бериш ишларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари томонидан бир турдаги маҳсулот учун ундириладиган энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ортиқ бўлмаган суммадаги тўловнинг ўрнига 2013 йил 1 январдан бошлаб энг кам ойлик иш

ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги тўлов ундирилади. Ўз фаолиятини қишлоқ жойларда амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларидан гигиеник сертификат беришда бир турдаги маҳсулот бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлмаган сумманинг ўрнига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги тўлов ундирилади.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қайд этилган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишдан кўзланган асосий мақсад – бу лицензия талаблари ва рухсат бериш тартиб-таомилларини иқтисодий янада либераллаштириш борасида ўтказилаётган сиёсатга ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштиришдир. Шу билан бирга халқаро меъёрлар ва андозаларга мувофиқ лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришдир.

ХУСУСИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ УЧУН СЕМИНАР

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва хусусий тиббий муассасалар фаолиятига тааллуқли бўлган янги ҳужжатлар билан таништириш мақсадида туркум ўқув семинарлар ташкил этилди. Мавзуга оид машғулотлар 20-24 ноябрь кунлари барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Айтиш жоизки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан хусусий тиббий муассаса раҳбарлари ўртасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар аъёнага айланиб бормоқда. Бу сафарги семинарда мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан фикрлар алмашилди. Маълумот ўрнида айтиб ўтилганидек, давлатимиз раҳбарининг ушбу қароридан 2012-2015 йилларда тизимда давом эттириладиган ислохотларнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан, хусусий тиббий муассасаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, замонавий ташхис ва даволаш ускуналарига, шунингдек юқори малакали тиббий кадрларига эга хусусий тиббий муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва лицензия беришни янада такомиллаштириш, уларга нисбатан тасдиқланган даволаш андозаларига мувофиқ равишда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш талабларини ошириш нодавлат тиббий секторининг асосий йўналишлари қилиб белгиланди.

Қарорда белгиланган вазибаларни ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 29 мартда “Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарор қабул қилиниб, “Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги низом ҳамда хусусий тиббий муассасаларга лицензия бериладиган тиббий фаолият ихтисосликлари турлари рўйхатининг янги таҳрири тасдиқланди. Янги низом бўйича хусусий тиббий муассасалари учун лицензия талаб ва шартлари ҳамда уларга роя этилиши учун жавобгарлик кучайтирилди. Уларнинг фаолиятини назорат

қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши билан келишилмаган ҳолда текшириш жорий этилди. Лицензия олишда ариза бериш тартиб-таомили ҳам бирмунча соддалаштирилди.

Маълумки, хусусий тиббий муассасаларига лицензиялар бериладиган тиббий ихтисослик турлари 70 тани ташкил қилар эди. Ҳукумат қарори билан одамларнинг, айниқса болаларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун юқори даражадаги хатар билан боғлиқ ихтисослик турлари рўйхатдан чиқарилиб, уларнинг сони 50 тага келтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг ижросини таъминлаш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лицензиялаш ва назорат қилиш бошқармаси томонидан “Тиббий фаолиятнинг тегишли тури, ҳажми ва типини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, тиббий асбоб-ускуналарига ва бошқа техника воситаларига, шу жумладан тиббий ёнжомларига бўлган минимал талаблар” ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат Соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 3 октябрдаги буйруғи билан тасдиқланиб, шу йил 23 октябрда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда хусусий секторга рухсат этилган эликта тиббий ихтисослик турлари бўйича амбулатор ва стационар шартда фаолият юритиш учун зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналари ва анжомларининг минимал талаблари белгилаб берилди. Аксарият амбулатория шароитидаги ихтисосликларнинг минимал талабидан “форма-30” бикс ҳаммамаси чиқарилди. Тиббий мебель ва жиҳозлар сонига бўлган талаб қисқартирилган. Тез тиббий ёрдам, физиотерапия, офтальмология ва бошқа қатор ихтисосликлар бўйича талаб этиладиган асбоб-ускуналар ва анжомларнинг сони нисбатан соддалаштирилди. Бошқарма томонидан

“Тиббий муассасалари типлари ва ихтисослик турлари бўйича тиббий фаолият ҳажмига талаблар тўғрисида”ги низом ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, бу борада вазирининг 2012 йил 3 октябрдаги буйруғи тасдиқланди ва Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилди.

Низомда белгиланган талаблар тиббий фаолиятни лицензия асосида амалга оширадиган тиббий муассасаларига татбиқ этилади. Унда хусусий тиббий муассасалари учун тақиқланган тиббий фаолият, шунингдек амалга оширилиши мумкин бўлган жарроҳлик даволаш турлари белгилаб берилди. Тиббий муассасаларнинг тез тиббий ёрдам, дезинфекция, амбулатор ва стационар турлари, профилактика, маслаҳат, ташхис ва даволаш сингари фаолиятга ҳуқуқий таъриф берилди. Семинарда хусусий тиббий муассаса вакилларига давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга доир 2012 йил 16 ва 18 июлдаги Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 ноябрдаги қарори мазмун-моҳияти тушунтирилди. Қайд этилган ҳужжатларда ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитларини эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига халқаро меъёр ва андозаларга мослаштириш назарда тутилган. Тадбиркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўймаслик, иқтисодиёт тармоқларидаги катта, серхаражат, ношқара маъмурий тартиб-таомиллардан воз кечиш, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш масаласи муҳокама этилган. Лицензия ва рухсатнома олиш учун мурожаат қилганларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерфаол кузатиш имкониятини яратган ҳолда интернет тармоғи орқали ариза беришнинг электрон шакллари жорий этиш ва аризаларни кўриб чиққанлик учун тўланадиган йиғимларни камайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Тиббий йўналишида фаолият олиб бораётган ҳар бир тадбиркор бундай ҳолатларни ўз фаолияти мисолида ҳис этаётган бўлса керак, албатта. Хусусий тиббий муассасаларининг солиқ ва бож-

хона тўловларидан озод этилганлиги, лицензия олишда ариза бериш тартиб-таомили йил сайин соддалашаётганлиги, йиғимлар қисқариб бораётганлиги фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Шу билан бирга семинарда “Шифохона ичи инфекцияси профилактикаси тўғрисида”ги янги Санитария қоидалари ва меъёрлари (СҚМ) ҳамда вазирлик томонидан қабул қилинган даволаш стандартлари тўғрисида маълумотлар бериб ўтилди. Янги СҚМ тиббий фаолиятни амалга оширишда, хусусан, тиббий муассасаларда турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишда аҳамияти нечоғлиқ баланд эканлигига алоҳида урғу берилди. Даволаш стандартлари, унинг тиббий фаолиятдаги аҳамияти ва тугган ўрни, дори ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг хусусий тиббий муассасаларида қўлланилиши ва уларнинг назорати юзасидан тайёрланган маърузалар ҳам иштирокчилар учун жуда фойдали бўлди.

Семинар иштирокчилари жорий йилнинг ўтган ойлари давомида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббий фаолиятни лицензиялаш борасида олиб борилган ишлар, хусусий тиббий муассасалар фаолиятини назорат қилишга доир текширишлар натижалари билан ҳам таништирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлардан кенг оммани бохабар қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Ўз навбатида, жамоатчилик назорати ва иштироки ҳам жуда долзарб ҳисобланади. Семинар ишида бу борада “Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш” таҳририяти ва Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари уюшмаси вакиллари фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Фарход РАҲИМҚУЛОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Лицензия бериш ва назорат
муассасалари томонидан
кўрсатилаётган тиббий
хизматлар сифатини назорат
қилиш бошқармаси бошлиғи в.б.

Болалар спорти

ЎҚУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

